



Назира ТОШПУЎЛАТОВА

Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти
кафедраси мудири, филология фанлари номзоди,
доцент
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

ТОҲИР ҚАҲҲОРНИНГ ТАРЖИМОНЛИК МАҲОРАТИ (Озарбойжон шеърляти мисолида)

Муаллиф мақолада қардош халқлар адабиёти ривожда таржимашуносликнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритади. Унда Тоҳир Қаҳҳорнинг озарбойжон тилидан ўзбекчага таржима қилинган шеърляри ва илмий асарляри кўриб чиқилган.

Автор высказывает мнение о роли переводоведения в развитии литературы родственных народов. В статье рассматриваются стихи и научные труды Тахира Каххара, переведенные с азербайджанского на узбекский язык.

The author speaks about the role of translation studies and its importance in the development of the literature of relative nations. The article considers the translated poems and scientific works of Takhir Kahhor from Azerbaijani into Uzbek.

Калит сўзлар: адабиёт, адабий алоқалар, шеърлят, қардошлик ришталари, таржима, матн, мисра, вазн, туроқ, қофия, оригиналлик, услуб.

Ключевые слова: литературные отношения, поэзия, перевод, текст, строка, ритм, рифма, оригинальность, стиль.

Key words: literature, literary relations, poetry, family relations, translation, text, line, rhythm, rhyme, originality, style.

Озарбойжон ва ўзбек адабиёти сарчашмалари минг йиллар қаридан ҳозирга қадар мустаҳкам қардошлик, қондошлик ришталар орқали боғланиб, бир-бирини тўлдириб келаяпти. Айниқса, бу ришталар XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида, аниқроғи ҳар икки давлатнинг мустақилликдек буюк неъматни қўлга киритгандан кейинги даврида янада мустаҳкамланди.

Озарбойжон ва ўзбек халқларининг кўп асрлик бой, сирқирра, маданий-маърифий, адабий алоқаларини янада ривожлантиришда ҳар икки мамлакатнинг адабиётшунослари салмоқли илмий тадқиқотлари билан ҳисса

қўшганларини алоҳида таъкидламоқ зарур. Фаридин Қўчарли, Исмоил Ҳикмат, Миржалол Пашшоев, Мамад Ориф, Воҳид Зоҳидов, Иззат Султон, Натан Маллаев, Лазиз Қаюмов, Халил Ризо, Жаннат Нагиева, Гуломхусайн Алиев, Анвар Жабборли, Акиф Багиров, Яшар Қосимов сингари тадқиқотчилар икки қардош халқ адабиётининг ривожланишида ва адабий алоқаларини мустаҳкамлашда муносиб хизмат қилдилар. Шунингдек, XX асрда ўзбек адабиётини Озарбойжонга ва аксинча Озарбойжон адабиёти намуналарини ўзбек ўқувчиларига танитишда ҳар икки мамлакатнинг ёзувчию шоирлари, таржимонлари ҳам жуда катта ҳисса қўшдилар. Натижада озар ўқувчилари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Ойбек, Миртемир сингари шоир ва ёзувчилар асарларини, ўзбек адабиёт ихлосмандлари Самад Вурғун, Сулаймон Рустам, Наби Ҳазрий, Мирза Иброҳимов, Расул Ризо, Халил Ризо, Нигор Рафибейли каби шоир ва ёзувчиларнинг асарларини ўқиш шарафига муяссар бўлдилар. Шу маънода, ўтган асрда ўзбек адабиётини озар тилига таржима қилишда озар адабиёти, инчунун шеърининг ўзбек тилига ўгиришда ўзига хос таржимонлик мактаби шаклланди, десак муболаға бўлмайди. Бунда айниқса, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Шухрат, Раззоқ Абдурашид, Ромиз Равшан, Зулфия, Файзи Шоҳисмоил, Рауф Парпи, Носир Муҳаммад, Жуманиёз Жабборов, Иброҳим Ғафуров, Миразиз Аъзам, Тоҳир Қаҳҳор, Усмон Қўчқор, Хосият Рустамова сингари ижодкорларнинг хизматлари катта. Шуларнинг ичида шоир, публицист, адабиётшунос олим ҳамда таржимон Тоҳир Қаҳҳорнинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидламоқ жоиз. Тоҳир Қаҳҳор икки қардош халқнинг маданий ва адабий алоқаларини мустаҳкамлашда ўзининг салмоқли таржималари билан мустаҳкам ҳисса қўшди. Шу нуқтаи назардан унинг таржимонлик маҳоратини Озарбойжон шоирларининг шеърларини ўзбек тилига қилган таржималари орқали ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Аввало Тоҳир Қаҳҳор шахси ҳақида икки оғиз сўз. Тоҳир Қаҳҳоров 1953 йилда Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида туғилган. 1970-75-йилларда ТошДУни (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетида таҳсил олиб, 1975 йилда журналист мутахассислиги билан тамомлаган. Шундан бири ўтган вақт оралиғида Ўзбекистон радиосида муҳаррир, “Шарқ юлдузи” журналида наср бўлими бошлиғи, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари, етакчи муҳаррир, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти лавозимларида ишлади. Шу билан бирга адабиёт ҳамда журналистика тарихи соҳасида салмоқли илмий тадқиқот олиб борди ва бу фаолияти ҳозир ҳам давом этмоқда. Тоҳир Қаҳҳор Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Халқаро Яссавий мукофоти (1991 йил) соҳиби, Ўзбекистонда

хизмат кўрсатган маданият ходими (1991 йил). Туркия Ёзувчилар ва санъткорлар жамиятининг Турк дунёсига хизмат мукофоти (1998 йил) сазовор бўлган. Илмий маърузалари билан халқаро конференцияларда мунтазам иштирок этади.

Тоҳир Қаҳҳорнинг ижодкор сифатидаги фаолиятига назар ташлар эканмиз, аввало унинг ўз сўзига, ўз овозига эга шоир сифатида ўтган асрнинг 80-йилларида танилганини эътироф этмоқ жоиз, деб ҳисоблаймиз. Бу даврда ўзбек шеъриятига янги бир авлоднинг кириб келиши Азим Суюн, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Тилак Жўра, Тоҳир Қаҳҳор сингари бир қатор истеъдод эгаларини кашф этди. Уларнинг орасида Тоҳир Қаҳҳор гоҳида ўзининг сокин, вазмин, файласуфона, гоҳида денгиз тўлқинларидек шиддатли, кескир мисралари, оргинал услуби билан танилди. Унинг шеърлари матбуот саҳифаларида мунтазам эълон қилинади. Шеърий тўпламлари чоп этилди.

Тоҳир Қаҳҳор нафақат шоир сифатида балки қалами ўткир публицист сифатида ҳам ўзбек журналистикаси ривожига салмоқли ҳисса қўшган ижодкорлардан саналади. Университетни тамомлаб, “Шарқ юлдузи” журналида ишлаган кезлариданоқ жамиятнинг долзарб ижтимоий муаммоларига бағишланган публицистик мақолалари билан матбуотда мунтазам иштирок этди. Журналистика амалиётида фаолият олиб бораётган ижодкорни туркий халқлар адабиёти, матбуоти жуда қизиқтирар эди. Шу боис, у миллий ва қардош халқлар адабиёти ҳамда матбуотини чуқур ўрганиб, ўзининг шахсий ёндашувини дадил айтадиган ва айтганларини илк манбалардан топилган факт ва далиллар орқали исботлайдиган илмий тадқиқотчи сифатида ҳам танилди. Бу тадқиқотларнинг ифодаси сифатида унинг 1994 йилда “Чўлпон” нашриётида “Хур Туркистон учун” китоби чоп этилди. Олиб борган илмий-тадқиқотлари ҳосиласи ўлароқ филология фанлари номзоди бўлди.

Тоҳир Қаҳҳор илмий -ижодий фаолиятида таржимонлик алоҳида ўрин тутди. У ўзбек таржимашунослик илмига турк, озар, форс-тожик, араб, рус тилларидан қилган шеърий ва насрий асарларнинг таржималари, фундаментал илмий тадқиқотлар, тарихий асарларни ўзбек тилига ўгириш орқали салмоқли ҳисса қўшган таржимонлардан биридир. Тоҳир Қаҳҳорнинг Озарбойжон адабиётига бўлган қизиқиши ҳали мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритмасдан аввал, аниқроғи ўтган асрнинг 80-йиллардан бошланган. Бу пайтда у шоир сифатида Озарбойжон шоирлари билан мустаҳкам адабий алоқаларни йўлга қўйган ҳамда Халил Ризо, Рамиз Аскар замонавий Озарбойжон шоирларининг шеърларини ва ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Айниқса, унинг таржимон сифатида Озарбойжон шоирларининг шеърларини ўзбек ўқувчисига танитишда ҳам хизматлари

каттадир. Бу таржималар орқали у қардош озар миллатнинг ўтмишию кечмиши, ўй-фикрлари, маданий ва маънавий қадриятлари, орзу-интилишларини ўзбек ўқувчисига кенг ва атрофлича таништирди.

Ҳар қандай таржимон қайси тилдан таржима қилмасин ўша тилда сўзлашувчи халқнинг, миллатнинг ўзига хослиги, маънавияти, маданиятини сақлаб қолиши билан бирга, ижодкор индивидуаллиги, унинг маънавий-руҳий олами, ички кечинмалари, сўзга муносабати, яратган бадий асари юки, салмоғи, у орқали ўқувчига нима демокчи эканлигини ҳис қила олиши жуда муҳим. Тоҳир Қаҳҳор ижодкорни чин қалбдан ҳис қиладиган ана шундай таржимонлардан биридир. Шеърни нозик тушуниш учун таржимон ҳам камида Тоҳир Қаҳҳордай ижодкор, шоир бўлмоғи керак. Биз бунга унинг Озарбойжон шеърятидан қилган таржималарига эътибор қаратганда, яна бир бор амин бўламиз. У Собир, Али Назмий, Аҳмад Жавод, Муҳаммад Ҳодий, Халил Ризо, Қосим Қосимзода, Қачай Кўчарли, Собир Рустамхонли, Рамиз Асқар, Элчин Искандарзода ва бошқаларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган ва ўзбек матбуотида мунтазам чоп этиб боради. Шу ўринда Озарбойжон шиорларининг ўзбек тилидаги таржималарини ўзбек ўқувчиларга етказишда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Шарқ Юлдузи”, айниқса “Жаҳон адабиёти” журналининг хизматларини алоҳида таъкидламоқ жоиз. 2012 йилда журналнинг битта сони Озарбойжон ёзувчи ва шоирларнинг ижод намуналарига бағишланди. Нашр қилинган ушбу намуналарда ҳам энг кўп ҳисса таржимон сифатида Тоҳир Қаҳҳор улушига тўғри келади.

Бадий таржима билан шуғилланиш ижодкордан жуда катта куч ва ирода талаб қилади. Буни Тоҳир Қаҳҳор жуда яхши билади, бирор бир асарни, у насрий бўладими, илмий бўладими ёки шеърми бундан қатъи назар, уни аввал обдон ўрганади. Асарнинг хусусиятлари, тили, ижодкорнинг руҳий ҳолати, образлар моҳиятини ўзининг ижодий призмасидан ўтказишга ҳаракат қилади. Хоҳ аруз, хоҳ бармоқ, хоҳ сарбаст вазндаги шеърлардаги тағмаънони, асар руҳини, шоирнинг муддосини сақлаб қолишга эътибор қаратади. “XX аср Озарбойжон шеърятини антологияси”дан ўрин олган ва илк бор ўзбек тилига таржима қилинган шоир Али Назмийнинг “Бўлажакми?” шеъри шундай мазмунни беради:

Фаҳмингча сенинг, миллатимиз шод бўлажакми?

Вайрона шу юрт, мулкимиз обод бўлажакми?

Барбоду талон ҳаққимиз, инсонлигимиздек,

Қул бўлган оти қул яна, барбод бўлажакми? (1, б. 7)

Озарбойжон шеърятининг ўзбек шеърятига ўхшайдиган жиҳатлари жуда кўп. Буни мавзуларнинг яқинлигида, услубнинг халқоналигида, ифоданинг равонлигида, бадиий-поэтик руҳнинг теранлигида, тасвирнинг ранг-баранглигидан кўриш мумкин. Шунга қарамай унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам бор. Бу сўзларнинг кескирлигида, салмоғида, ижодкор руҳиятининг турфа ҳолатларида кўринади. Тоҳир Қаҳҳор ана шу ўзига хосликни сақлаб қолишга, ижодкор руҳини, ҳолатини тўла идрок этади ва буни таржимага кўчиради. Мана Рамиз Асқарнинг арузда ёзган қуйдаги мисралари ўзбек тилида шундай жаранглайди:

*Тинди экин ҳам бўрону, тинди денгизда тўфон,
Аммо тинмас руҳда ҳеч ул ел гами, елкан гами. (2, б. 44).*

Тоҳир Қаҳҳор таржима жараёнида қайта-қайта луғатларга мурожаат қилишдан чарчамайди. Сўзнинг том маъносини, шоир айтмоқчи бўлган фикр моҳиятини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Ҳатто шоирнинг ҳолатини, руҳиятини бериш учун таржимаси бўлса-да айрим сўзларни аслича қолдиради. Буни халқ шоири Халил Ризонинг “Мен яна қайтурман Озарбойжонга” шеъридаги қуйдаги мисралар орқали кўриш мумкин:

*Келинг, эй нафасим, эй қардошларим,
Малул-малул боққан орқадолларим,
Ёқадир оламни бу кўз ёшларим,
Сиз мени қайтаринг Озарбойжонга...
Қараб шу қуёшга онт ичайинки, (3)*

Бундай ҳолатни нафақат назмда, насрий асарлар таржимасида ҳам кўриш мумкин. Таржимон машаққатли меҳнатини, изланишнинг тотли ҳузурини бир марта шеър ўқишда ёки таржима асари матбуот юзини кўрганда, уни шеър ихлосмандлари эътироф этганларида ҳис қилади. Тоҳир Қаҳҳор таржималарида матннинг амалий аҳамиятига эътибор қаратиш билан бирга, унинг тарбиявий жиҳатларига ҳам алоҳида урғу беради. Шу боис у таржимада билимдонлик билан бирга, шоирнинг айтган фикрга нисбатан аввало ҳурмат, қолаверса андиша билан ёндашиш сезилиб туради. Илм кишиси сифатида, қандай мавзуда бўлишидан қатъий назар шоирнинг мақсадини, маслагини шеърда илгари сурилган фикрини ҳурмат қилади ва таржима жараёнида улар билан ҳисоблашади.

Тоҳир Қаҳҳор таржималарида икки хил жиҳат кўга ташланади. Биринчиси бир тилдан иккинчи тилга тўғридан-тўғри таржима қилиш бўлиб, унда асосий эътибор матннинг ўзига қаратилади (4. б. 207–214). Иккинчиси эса

таржима-тадқиқотдир олиб боришдир. Бунда таржима билан бирга унинг бошқа таржималар версияларига солиштириш, матндаги сўзларнинг келиб чиқиши, қўлланиши, қандай ифода касб этиши бошқа манбалар орқали тадқиқ этилади(5. б. 144–148; 6. б. 199–207). Тоҳир Қаҳҳорнинг таржимонлик фаолиятида ҳар икки жиҳатни кузатган ҳолда, иккинчисининг салмоғи устунлигига гувоҳ бўламиз. Қолаверса, у адабиётшунос олим сифатида таржимашуносликнинг долзарб масалаларини ўзининг илмий мақолалари орқали адабий жамоатчилик муҳокамасига ташлайди. Бу мақолаларнинг умумтуркий тиллар адабиётига алоқадорлиги уларнинг қийматини янада оширади. Мисол учун Тоҳир Қаҳҳорнинг Туркияда чоп этиладиган “Қардош қаламлар” журналининг 2009 йил 28-сонида “Ўзбек адиби Фитратнинг Туркияда ва Ўзбекистонда босилган асарлари: уларга оид тадқиқотлар (1910–2004)” (7, б. 62–69), шу журналнинг 33-сонида чоп этилган “Туркчадан ўзбекчага ва ўзбекчадан туркчага таржиманинг айрим масалалари” сарлавҳали мақоласи(8. б. 88–92) ёки 2009 йилда Туркиянинг Оқсарой шаҳрида ўтказилган халқаро симпозиумдаги “Ўзбекистонда Юнус Эмранинг танитилиши ва таржима масалалари” мавзусида қилган маърузалари айнан таржимашуносликнинг назарий масалаларига бағишлангани билан аҳамиятлидир(9. б. 42–45).

Тоҳир Қаҳҳор деган исм-шарифнинг олдига (унинг илмий-ижодий фаолиятини акс эттувчи) шоир, публицист, хизмат кўрсатган маданият ходими, адабиётшунос олим деган даражалар қўшиб айтилади. Унинг таржима борасида олиб борган тадқиқотлари, турли тиллардан қилган таржималари, унга моҳир таржимон деган даражани ҳам қўшишга тўлиқ изн беради. Ва ишонамизки, Тоҳир Қаҳҳорнинг таржимонлик даражаси борган сари юқорига кўтарилаверади.

Фойдаланган адабиётлар

1. XX аср Озарбойжон шеърляти антологияси. – Тошкент, 2014.
2. Қаҳҳор Т. Минг-минг кўзли Туркистон булоғи (ўзбек шоири А. Суюн ижоди туркчада)// Жаҳон адабиёти. 2009. № 11.
3. Қаҳҳор Т. Шукрулло асарлари турк тилида// Жозиба сеҳри. Шукрулло ижодининг олмос кирралари. Мақолалар тўплами, 2-китоб, “Meriyus”. – Тошкент, 2009, 207–214 б.
4. Қаҳҳор Т. Йаманнинг яхши иши (Ўзбек адабиётининг Туркияда ўрганилиши мавзусида.)// Жаҳон адабиёти, 2008. № 7. 144–148 б.
5. Kahhar T. Bahçesaraylı İsmail Gaspralı'nın “Türkiye Seyahatleri” ve Semerkantlı Mahmud Noca Behbüdi'nin “Seyhat hatıraları”nda İstanbul// Dünya Edebiyatında İstanbul, TC Kültür ve Turizm Bakanlığı yay. Ankara. 2011. s. 199–207 //www.kulturturizm.gov.tr.
6. Kahhar T. Özbek Yazar Fitrat'ın Türkiye'de ve Özbekistan'da Yayımlanan Eserleri, Konuyla İlgili Araştırmalar (1910–2004)// Kardeş Kalemler dergisi, Ankara. 2009. Nisan sayı 28, s. 62–69.

7. Kahhar T. Türkçe'den Özbekçe'ye ve Özbekçe'den Türkçe'ye Çeviri Meseleleri// Kardeş Kalemler dergisi, 2009 Ankara, sayı 33, s. 88–92.
8. Kahhar T. Özbekistan'da Yunus Emre'nin Tanıtılması ve Çeviri Meseleleri// I. Uluslararası Yunus Emre Sempozyumu Bildiri Kitabı, Aksaray, Türkiye 2009, s. 42–45.